

П 60

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳукукида  
УДК: 347.72+336

ТОЖИБОЕВА ШАҲНОЗА АНВАРОВНА

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ  
ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ

Иқтисослик:

08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби,  
иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2007

657: 657.1  
П-60

Диссертация Тошкент Давлат иқтисодийёт университетида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Акрамов Эргаш Акрамович**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Ҳасанов Баҳодир Акрамович;**

иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Усанов Абсалом**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил «18» декабр соат 14<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил «16» ноябр да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди**

*T.M.V*

**Ф. Мирзаев**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодий эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришни тақозо этади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «...иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилмай туриб, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди»<sup>1</sup>. Ўз навбатида, бу режали иқтисодиёт шароитида шаклланган иқтисодий дастаклар – фойда, рентабеллик, баҳо, кредит, солиқлар, фоиз кабиларни иқтисодий мазмуни жиҳатидан бозор муносабатлари тамойилларига хос ва мос равишда янгилашни тақозо этади.

Мазкур иқтисодий дастаклар ичида фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда барометр вазифасини ўтайди. Шу боис, ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш усули эркин иқтисодиёт тамойилларига мос бўлиши лозим. Молиявий натижаларнинг назарий, услубий ва амалий томонлари умумметодологик жиҳатдан, асосан саноат корхоналари доирасида тадқиқ қилинган. Лекин, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдо соҳаси молиявий натижаларини таҳлил қилиш етарлича тадқиқ этилмаган. Ҳар бир тармоқда молиявий натижалар шаклланиши ва уларни тақсимлаш борасида ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинмасдан тўғри, асосли бошқарув қарорлари қабул қилиш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, мазкур илмий тадқиқотнинг долзарб мавзуга бағишланганлигидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Савдо ташкилотлари хўжалик фаолияти таҳлилининг шаклланиши, ривожланишига И.Т. Абдукаримов, Л.А. Бернштейн, М.И. Баканов, Л.И. Кравченко, О.Р. Кмицикевич, А.И. Меркушев, М.Қ. Пардаев, С.К. Татур, А.Д. Шеремет каби етакчи иқтисодчи олимлар қатта ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан иқтисодий таҳлил ва унинг айрим соҳаларига бағишланган қатор адабиётлар, дарслиқлар, ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар нашр этилган. Улар жумласига Э.А.Акрамов, Ё.А.Абдуллаев, И.О.Волжин, Е.Е. Ергешев, А.Т. Иброҳимов, Б.И. Исроилов, М.Қ. Пардаев, М.М.Тўлаҳўжаева, Б.А.Ҳасанов, А.Х. Шоалимов, В.В. Эргашбоевларнинг илмий ишларини киритиш мумкин.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили кўрсатишича, молиявий натижаларнинг назарий муаммолари масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, уларнинг амалий жиҳатдан турли соҳаларга мос келиши ҳисобланади. Мазкур ишда савдо тармоғи тадқиқот объекти сифатида “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги савдо ташкилотлари танланди. Савдо ташкилотлари молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини ёритишда муаммога тизимли ва комплексли тарзда ёндошилди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотнинг мақсади

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент, 1994, - 8 б.

ва вазифалари, предмети ва объекти, назарий ва методологик асосини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодийёт университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - иқтисодийётни эркинлаштириш шароитида савдо ташкилотлари фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертация ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида фойданинг ўрни ва бажарадиган вазифаларини аниқлаш;

- савдо ташкилотлари молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, жами даромаднинг таркиби, уларни баҳолаш, ялпи даромадни ифодаловчи мутлақ ва нисбий кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш;

- товарларни сотишдан тушган ялпи фойда, шу жумладан, уни таркибий қисмларини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашнинг методологик асосларини тадқиқ этиш;

- асосий ва умумхўжалик фаолиятларидан келган фойдани аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

- солиқ тўлангунга қадар фойданинг иқтисодий моҳияти ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда ҳисоблаш усулларини кўрсатиб бериш;

- соф фойданинг таркиби ва ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

- эркин иқтисодийёт шароитида рентабеллик кўрсаткичлар тизими ва уни аниқлаш йўлларини ишлаб чиқиш;

- умумий рентабеллик кўрсаткичлари таркибига товарларни сотиш рентабеллиги, ялпи даромад ва харажатлар рентабеллиги киритилишини асослаш ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

- савдо ташкилотлари иқтисодий салоҳияти рентабеллик кўрсаткичлари тизимини ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

- молиявий салоҳият самарадорлиги кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги чакана савдо ташкилотлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** - иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичида чакана савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Илмий-тадқиқот жараёнида таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, нисбий ва ўртача миқдорлар, мутлақ фарқлаш,

балансли боғланиш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

- савдо ташкилотларида ялпи даромад ва товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди;

- савдо ташкилотларида рентабеллик кўрсаткичлари омилли таҳлилига оид амалий тақлифлар тайёрланди.

**Илмий янгилиги:**

- бозор иқтисодиёти шароитида савдо фойдасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилди;

- чакана савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳисоблаш ва баҳолаш йўллари ишлаб чиқилди;

- чакана савдо ташкилотларида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятдан олган жами даромади ва унинг турларини таҳлил қилиш йўллари тайёрланди;

- ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатиб берилди;

- илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган устама баҳо меъёрларини ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди;

- чакана савдо ташкилотларида ялпи фойдага таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;

- асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фаолиятдан келган фойда, солиқ тўлангунга қадар фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;

- соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди;

- рентабеллик кўрсаткичлари тизими ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;

- умумий рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари ва натижа кўрсаткичини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- иқтисодий салоҳият рентабеллиги даражаси ўзгаришига таъсир этувчи омиллар аниқланди;

- савдо ташкилоти молиявий салоҳияти рентабеллигини ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти:** диссертацияда тадқиқ этилган назарий, услубий ва амалий масалалар хусусидаги муаллиф хулосалари савдо ташкилотлари молиявий натижалари таҳлил қилинишида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот ишида қўлланилган таҳлил усулларидан фойдаланиш савдо ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойда ва рентабеллик даражасини оширишда мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий аҳволи барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган услубий тавсиялар савдо ташкилотлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат

қарорлари, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Натижаларни жорий қилиниши.** Диссертацияда савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2006 йил, 6 июндаги 32-24/169-сонли далолатнома) ва Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (2006 йил 17 майдаги 22-сонли далолатнома) томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинди. Тадқиқот натижалари “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги “Тошкент универмаги” савдо ишлаб чиқариш жамияти амалий фаолиятига таъбиқ этилди, (2006 йил 9 июндаги 1-9 сонли маълумотнома).

**Натижаларни синовдан ўтиши.** Диссертация иши Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти бирлашган илмий семинарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий мувофиқлаштирилган кенгаши мажлисида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот натижалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қўринишида баён қилинган ва маъқулланган: “Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усулларини такомиллаштириш” (Тошкент, 2004); “Ўзбекистон Республикасида газначилик тизimini шакллантириш шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг долзарб масалалари” (Тошкент, 2007).

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот натижалари 2 та илмий журналда ва 6 та тезислар қўринишида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 33 та жадвал, 2 та расм ва 8 та иловалардан иборат.

Тадқиқот ишининг матни 141 бетни ташкил қилади.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий тадқиқотнинг биринчи боби “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида савдо ташкилотлари молиявий натижаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти”га бағишланган. Унда асосан, савдо фойдасининг моҳияти ва унинг иқтисодий манфаатлар муштараклигини уйғунлаштиришда тутган ўрни ва вазифалари атрофлича ёритиб берилган.

Маълумки, фойда ишлаб чиқариш соҳасида яратилади ва ўзининг махсус иқтисодий шаклини муомала соҳасида олади. Савдо фойдаси муомала соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат кураши натижасида ўзгариб турувчи бозор конъюнктураси шароитида ҳамда товарларга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Табийки, савдо фойдаси ҳам инсон меҳнати натижасидир. Савдо ташкилотларининг фаолияти унумли ёки унумсиз меҳнат сирасига кириши хусусидаги иқтисодчи олимларнинг<sup>2</sup> қарашларига турли томондан ёндопиш мумкин. Агар масалага моддий бойликлар ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан қаралса, у ҳолда савдо ходимларининг фаолияти натижасида ҳеч қандай маҳсулот яратилмайди ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг табиий ҳажми ошмайди. Шу боис, савдо ходимларининг меҳнатини унумсиз меҳнат деб айтишга асос бордек туюлади. Лекин, бу «унумсиз» меҳнат савдо соҳасига маълум миқдорда фойда келтиради. Мулк эгаси нуқтаи-назаридан қаралса, ҳар қандай меҳнат агар фойда келтирадиган бўлса у унумли меҳнат ҳисобланади. Фараз қилайлик, меҳнат натижасида моддий бойликлар яратилди. Агар уларнинг қиймати сарфланган харажатлардан паст бўлса, у ҳолда бундай меҳнат натижасида маҳсулот яратилса ҳамки, унумсиз меҳнат деб ҳисобланади, чунки бунда тадбиркор ҳатто меъёрий фойда ҳам олмайди.

Бизнинг фикримизча, савдо ходими меҳнатига ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан қаралса, у сўзсиз унумли меҳнат ҳисобланади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш даври савдо ташкилотлари воситасида охири босқичга келади. Шу боисдан, савдо фойдасининг моҳияти хусусида иқтисодчи олима О.Виноградскаянинг<sup>3</sup>: «савдо жараёнини товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўшимча хизмат учун тўланадиган ҳақ сифатида қараш, савдо фойдаси ишлаб чиқарувчилар томонидан савдо соҳаси учун баҳрдан ўтилган фойданинг бир қисми деб ҳисоблаш асло мумкин эмас», деб айтган таърифига қўшилаемиз. Бизнингча, савдо фойдаси қилинган меҳнатнинг характеридан қатъий назар савдо соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнати натижасида яратилади.

Савдо фойдаси таркибига товарларни сотишдан тушган ялпи фойда, асосий савдо фаолияти фойдаси, умумхўжалик фойдаси, тасодифий фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойда, тақсимланмаган фойда кабиларни киритиш мумкин. Савдо фойдасининг ушбу турлари асосида жамият<sup>\*</sup> меҳнат жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатларининг муштараклигини қандай қилиб таъминлаш муаммоларининг ечими кўрсатилган.

Фойда олиш ҳар қандай меҳнат жараёнининг натижаси ҳисобланади. Шу боис, жамиятнинг, алоҳида олянган корхоналарнинг ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида фойдани тақсимлаш унинг бажарадиган вазифаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга боғлиқ. Шу боис, тадқиқот ишида фойданинг бажарадиган вазифаларининг ишлаш жараёни амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири - молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. XXI аср бўсағасида бу борада тадқиқот олиб борган

<sup>2</sup> Парлаев М.К. О сущности торговой прибыли. – Ташкент, 1992. Торговля, №7-12. с. 42

<sup>3</sup> Виноградская О. Обретаем экономическую устойчивость или будет стоять с протянутой рукой. – Москва, 1991. Торговля, № 12. -с.4-5.

И.Т. Абдукаримов<sup>4</sup>, Э.А. Акрамов, М.И. Баканов, И.О. Волжин, М.К. Пардаев, А.Д. Шеремет ва бошқалар молиявий натижаларни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични аниқлашнинг назарий жиҳатдан асосланган услубларини кўрсатиб берганлар.

Молиявий таҳлилга оид иқтисодий адабиётларни ўрганишлар кўрсатдики, савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, аниқлаш йўллари ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усулларига бағишланган илмий ишлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон амалиётида қўлланилаётган «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомга асосан етарли даражада ёритилмаган. Масалан, 2005 йили чоп этилган Е.Е. Ергешевнинг<sup>5</sup> дарслигида фойда микдорининг ўзгаришига таъсир қилувчи учта омилнинг таъсирини ҳисоб-китоб қилиш усули куйидагича кўрсатилган:

- товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- ялпи даромад даражасининг ўзгариши;
- муомала харажатлари даражасининг ўзгариши.

Хорижий иқтисодчи олимларнинг савдо ташкилотларини иқтисодий таҳлил қилишга бағишланган ишларида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш усуллари яхши ўрганилмаган. Чунончи, иқтисодчи олима М.С. Абрютинанинг<sup>6</sup> ўқув қўлланмасида “ялпи фойда бу - савдо устамаси, савдо устамаси эса ҳали даромад эмас, чунки савдо устамасидан муомала харажатлари айрилсагина даромад ҳосил бўлади”, дейилган фикрига қўшилмаймиз. Бу ерда муаллиф икки мустақил тоифа – фойда билан даромадни алмаштириб юборган. Ялпи даромад товарларнинг харид ва сотув баҳоси ўртасидаги фарқ ҳисобида ҳосил бўлади. Ялпи фойда эса, ялпи даромад ва муомала харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида таркиб топади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида савдо ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилишга бағишланган В.А.Черновнинг<sup>7</sup> дарслигида фақат товарларни сотишдан тушган фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили берилган.

Юқорида қайд қилинган савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини тадқиқ этишга бағишланган адабиётларда фақат товарларни сотишдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш билан чекланганлик кузатилади.

«Харажатлар таркиби тўғрисида...»ги Низомга асосан фойдани турлари бўйича таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, ушбу ишда умумий услубий тақлиф ва тавсияларга ёндашилган ҳолда, илк бора савдо соҳасининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, унинг молиявий натижа-

<sup>4</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Тошкент, 1999. -138 б; Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. -Тошкент, 2003.-152 б; Баканов М.И. Экономический анализ в торговле. - Москва, 1980. –с.180; Волжин О.И., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. - Тошкент, 1998. – 105 б; Пардаев М.К. Иқтисодий таҳлилда “САХТОБ” тамойили. - Самарқанд, 1999. -67-б; Пардаев М.К. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилни назарий ва методологик муаммолари. - Тошкент, 2002; Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. -Москва, 2004. - с.39.

<sup>5</sup> Ергешев Е.Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. -Тошкент, 2005. - 126 б.

<sup>6</sup> Абрютина М.С. Экономический анализ торговой деятельности. – Москва, 2000. –с. 95.

<sup>7</sup> Чернов В.А. Экономический анализ: торговля, общественное питание, туристический бизнес. Москва, 2003. – с. 444.



ларини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Хусусан, савдо ташкилотларида товарларни сотишдан олинган ялпи фойдани ялпи даромаддан фақат сотиш харажатларини чегириш орқали, асосий фаолиятдан кўрилган фойдани ялпи фойдадан маъмурий харажатларни, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа харажатларни, келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларини айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини кўшиш орқали аниқлашни тавсия қиламиз. Ушбу тавсиямизга «Харажатлар таркиби тўғрисида...»ги Низомда харажатларни таснифлашнинг аниқ кўрсатилмаганилиги асос бўла олади. Ушбу таснифга кўра, муомала харажатлари давр харажатлари таркибига киритилган. Бу эса, уларни баҳолаш ва ҳажмини аниқлаш имконини бермаган. Муомала харажатлари ва давр харажатлари икки хил мустақил иқтисодий тоифа бўлиб, моҳияти жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Саноат корхоналарида ялпи фойда маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулотнинг таннархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланса:

Ялпи фойда = соф тушум - маҳсулот таннархи, савдо ташкилотларида ялпи даромад ҳажми соф чакана товар айланмаси ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

Ялпи даромад = чакана товар айланмаси - товарларни сотиб олиш баҳоси. Ялпи фойда ва ялпи даромад икки хил тушунча бўлиб, моҳияти жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Айрим илмий ишларда<sup>8</sup> савдода давр харажатларига муомала харажатлари киритилади дейилган бўлса, бошқа кўпгина адабиётларда эса<sup>9</sup>, давр харажатлари савдода муомала харажатлари деб аталади.

Бизнинг фикримизча, савдода ишлаб чиқариш корхоналаридан фарқли ўлароқ, давр харажатлари таркибига фақат маъмурий харажатларни, муомала харажатлари таркибига эса, товарларни бевосита сотиш билан боғлиқ харажатларни, яъни транспорт харажатлари, сотувчиларнинг иш ҳақи харажатлари, товарларни сақлаш, қайта ишлаш, саралаш, жойлаш харажатларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Молиявий ҳисобот иқтисодий таҳлил талабларига жавоб бериши лозим. Шу сабабли, уни тузиш ва фойдаланишда қўлланадиган тамойилларга амал қилмоқ керак. Молиявий ҳисоботни тузишда қуйидаги тамойиллар қўлланилади: тезкорлик, вақтга амал қилишлик, тушунарлилик, тўғри ифодалай олишлик, тармоқ тамойилига амал қилишлик ва сифатлилик.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланишда эса, қуйидаги тамойиллар қўлланилади: ишончлилик, таққослашни таъминлаш, кўрсаткичларни таҳлил қилиш мумкин бўлишини таъминлаш, батафсиллик, қамровлилик, тегишли маълумотларни ифода этишлик ва ҳоказолар. Хусусан, молиявий ҳисоботни тузишда тармоқ тамойилига амал қилинган ҳолдагина иқтисодиётнинг айрим соҳалари бўйича тўғри ва аниқ маълумотлар олиш, ҳолисона бошқарув қарорларини қабул қилиш имкони туғилади. Шу боис, 2-шаклда берилган кўрсаткичлар ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун бир қанча изоҳ ва эслатмалар бериш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум савдо ташкилотла-

<sup>8</sup> Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. -Тошкент, 1999. -139 б.

<sup>9</sup> Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. - Тошкент, 1998. -106 б.

рида соф чакана товар айланмаси ҳажмини, сотилган маҳсулотларнинг таннархи савдо ташкилотларида товарларни сотиб олиш баҳосини, маҳсулотларни сотишдан келган ялпи фойда савдода ялпи даромад ҳажмини кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Харажатлар таркиби тўғрисида...»ги Низомнинг кўн жиҳатлари такомиллаштиришга мухтож, хусусан, савдо соҳасининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдаги ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган.

Ишнинг иккинчи боби “Савдо ташкилотларида фойдани ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари”га бағишланган. Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ички имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, омилли таҳлил усулларидан кенг миқёсда фойдаланишни талаб қилмоқда. Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини омилли таҳлил қилиш усулига оид ишлар иқтисодий адабиётларда<sup>10</sup> жуда оз ҳисобланади. Шу боис, ишда савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни комплексли ва тизимли тарзда омилли таҳлил қилиш усули ҳамда уни такомиллаштириш йўллари ёритилган. Хусусан, ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларини қўллаган ҳолдаги ҳисобкитоби берилган. Ушбу усулларни қўллаш йўллари, афзалликлари ва камчиликлари амалий маълумотлар асосида кўрсатилган, (1-жадвал).

1-жадвал

“Ўзбексавдо” акциядорлик компаниясининг чакана савдо ташкилотларида ялпи даромад ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили<sup>11</sup>

(млн сўм)

| Тартиб рақами | Кўрсаткичлар*  | Шартли белги   | 1997 й.               | 2000 й.                | 2005 й.                | 2005 йили<br>1997 йилга нисбатан |                          |
|---------------|--|----------------|-----------------------|------------------------|------------------------|----------------------------------|--------------------------|
|               |  |                |                       |                        |                        | мутлақ<br>ҳажми,<br>(+,-)        | фоиз<br>ҳисобида,<br>(%) |
| 1             | Чакана савдо товар айланмаси                           | О <sub>1</sub> | <u>51916</u><br>51916 | <u>181487</u><br>66188 | <u>245657</u><br>53427 | <u>+193741</u><br>+1511          | <u>4,2 м</u><br>102,9    |
| 2             | Товарларни сотишдан тушган ялпи даромад<br>Ҳажми       | Н              | <u>9280</u><br>9280   | <u>30334</u><br>11063  | <u>42349</u><br>9210   | <u>+33069</u><br>-70             | <u>4,5 м</u><br>99,2     |
| 3             | Ялпи даромад даражаси (2к : 1қ x 100)<br>фоиз ҳисобида | О <sub>2</sub> | 17,8750               | 16,7145                | 17,2385                | -0,6365                          | 96,4                     |

\* Изоҳ: Жадвалда каср суръатида кўрсаткичлар амалдаги нархларда, махражиди эса, кнёсий нархларда кўрсатилган.

<sup>10</sup> Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. -Тошкент, 1999. – 327 б.

<sup>11</sup> Манба: “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси буйича 1997-2005 йиллардаги “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси бўйича ялпи даромад ҳажми 2005 йили 1997 йилга нисбатан 70 млн. сўмга камайган (қиёсий нархларда), бошқача қилиб айтадиган бўлсак унинг ўсиш суръати 99,2 фозни ташкил этди. Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар амалдаги усуллар билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичига иккита омил таъсир кўрсатади:

1. Чакана товар айланмасининг ўзгариши:  $\Delta H_o = (O_2^x - O_1^y) \times O_2^y = +53427 - 51916 \times 17,8750 : 100 = 270$  млн сўм. Демак, чакана товар айланмасининг 1511 млн сўмга кўпайиши натижасида ялпи даромаднинг ҳажми 270 млн. сўмга ошган.

2. Ялпи даромад ўртача даражасининг ўзгариши:  $\Delta H_o = (O_2^x - O_2^y) \times O_1^y = = 17,2385 - 17,8750 \times 53427 : 100 = -340$  млн. сўм. Демак, устама баҳо даражасининг 0,6365 фозига камайиши натижасида ялпи даромад ҳажми 340 млн. сўмга камайди. Шундай қилиб, иккала омил таъсирининг ўзгариши ялпи даромад суммасида бўлган фарқи беради, яъни:  $\Delta H = \Delta H_{o1} \pm \Delta H_{o2} = (+270) + (-340) = -70$  млн. сўм.

Биз тавсия этган янги усул билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа кўрсаткичига тўртта омил таъсир кўрсатади:

- сотиш баҳосининг ўзгариши;
- товарлар таннархининг ўзгариши;
- чакана товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши;
- товарлар таркибининг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини аниқлаш учун қуйидаги ҳисоб-китобни ҳавола этамиз, (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ялпи даромад ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили<sup>12</sup>

(млн. сўм)

| №  | Кўрсаткичлар           | Ҳақиқатда ўтган йил | Шартнома (эркин баҳода) | Ҳақиқатда ҳисобот йили |
|----|------------------------|---------------------|-------------------------|------------------------|
| 1. | Чакана товар айланмаси | 51916               | 52300                   | 53427                  |
| 2. | Товарлар таннархи      | 42636               | 42900                   | 44217                  |
| 3. | Ялпи даромад (1к – 2к) | 9280                | 9400                    | 9210                   |

2-жадвал кўрсатишича натижавий кўрсаткич 70 млн. сўмга камайган (9210-9280). Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1.Товарларни сотиш баҳосининг ўзгариши. Ушбу омилнинг таъсири чакана товар айланмасида акс этади. Ҳақиқатда ҳисобот йилида сотилган товарлар ҳажми сотиб олинган товарларнинг шартнома баҳоси билан таққосланади, яъни:  $53427 - 52300 = +1127$  млн.сўм. (+)

2.Товарлар таннархининг ўзгариши. Товарлар таннархи қанча камайса, ялпи даромад мутаносиб нисбатда кўпаяди:  $44217 - 42900 = +1317$  млн. сўм. Демак, товарлар таннархининг 1317 млн. сўмга ошиши ўз навбатида ялпи даромадни шунча суммага камайтирган.

<sup>12</sup> Манба: Молиявий натижалар таҳлилининг умумий методологик асосларига таянган ҳолда тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

3. Чакана товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши. Ушбу омил асосан савдо ташкилотининг фаолиятига боғлиқ бўлиб, товарлар қанча кўп сотилса, ялпи даромад ҳам шунча кўп бўлади. Уни таъсирини ҳисоблаш усули қуйидагича:

А. Чакана товар айланмаси ҳажми бўйича ўсиш суръати аниқланади, яъни:  $52300 : 51916 \times 100 = 100,74 \%$ .

Б. Чакана товар айланмаси бўйича кўшимча ўсиш суръати ҳақиқатда ўтган йили олинган ялпи даромад ҳажмига кўпайтирилиб, сўнгра 100 га бўлинади, яъни:  $0,74 \times 9280 : 100 = +68,7$  млн сўм. Демак, сотилган товарлар ҳажмининг 0,74 фоизга ошиши савдо корхоналарига 68,7 млн. сўм ялпи даромад келтирган.

4. Товарларнинг таркибий ўзгариши. Маълумки, турли хил товарларнинг рентабеллик даражаси турлича бўлади. Бинобарин, савдо ташкилотларининг товарлар ассортименти ўзгарса, у ҳолда улар даромад ёки зарар кўришлари мумкин. Ушбу омилнинг таъсирини икки усул билан аниқлашни тавсия этамиз. Биринчи усул – баланс ҳисоби. Бунда ялпи даромад бўйича аниқланган умумий фарқдан олдин ҳисобланган омилларнинг таъсири айрилади, яъни:

$$[-70] - [(+1127) + (-1317) + (+68,7)] = +51,3 \text{ млн. сўм.}$$

Омиллар баланси:  $[1127 - 1317 + 68,7 + 51,3] = -70$  млн. сўм.

Биринчи усул олдин аниқланган омилларнинг таъсири тўғри ҳисобланган ҳолларда қўлланади, акс ҳолда, товарларнинг таркибий ўзгариши аниқ натижа бермайди. Шу бонс, иккинчи усулни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда чакана товар айланмаси ҳажми бўйича ўсиш суръати ҳамда товарларнинг таннархи бўйича ўсиш суръатидаги фарқ товарлар таннархининг ўтган йилдаги ҳақиқатдаги суммасига кўпайтирилиб, сўнгра 100 га тақсимланади, яъни:

а) чакана товар айланмасининг ўсиш суръати  $[52300:51916 \times 100] = 100,74 \%$ ;

б) товарлар таннархининг ўсиш суръати  $[42900:42636 \times 100] = 100,62 \%$ ;

в) ўсиш суръатларидаги фарқ  $[100,74 - 100,62] = +0,12 \%$ ;

г)  $+0,12 \times 42636 : 100 = +51,2$  млн. сўм.

Демак, товарлар ассортименти ва таркиби ўзгариши эвазига 51,2 млн. сўм ялпи даромад олинган.

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган тўртта омилнинг таъсири 70,1 млн. сўмни  $[(+1127) + (-1317) + (+68,7) + (+51,2)]$  ташкил этади. Бу сумма эса ялпи даромад ҳажмида бўлган умумий фарқ -70 млн. сўмга тўғри келади. Ҳосил бўлган 0,1 млн. сўм (70,1 – 70) рақамларни бутунлаш эвазига содир бўлди.

Фойда кўрсаткичи кенг қамровли тушунчадир. Бу борада иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш соҳасидаги фойданинг таҳлилига оид тегишли тавсиялар берилган. Шу сабабдан, товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни амалдаги ва янги усуллар билан ҳисоб-китоб қилиш йўллари ҳам батафсил таҳлил қилинган.

Тадқиқот жараёнида савдо соҳасида асосий фаолиятдан тушган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилиниб, амалий аҳамиятга эга қатор амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, умумхўжалик фаолиятдан тушган фойда, солиқ тўлангунга қадар фойда ва соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ҳисоб-китоби, уларни қўллаш натижасида фойда ҳажмини оширишнинг ички имкониятлари батафсил кўрсатилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Савдо ташкилотларида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари”га бағишланган. Унда рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, уларнинг таснифи, аниқлаш йўллари, таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинган ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар берилган.

Рентабеллик кенг қамровли тушунчалар қаторига кирганлиги боис, унинг ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси хусусида тўлиқ ва мукамал ҳулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан иқтисодчи олимлар ўртасида бирлик йўқ. Тадқиқотда рентабеллик даражасига баҳо бериш йўналишлари хусусида иқтисодчи олимларнинг турли қарашлари мавжудлиги таҳлил қилинган. Хусусан, бир гуруҳ олимлар<sup>13</sup> ўз тавсияларида асосий эътиборни жами молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратган бўлсалар, иккинчи гуруҳ олим ва мутахассислар молиявий ресурсларнинг айрим қисмларидан самарали фойдаланиш борасида ўз тавсияларини берганлар. Ишда рентабеллик кўрсаткичлари тизимини шакллантириш хусусида турлича ёндашувларнинг мавжудлиги кўрсатилган. Масалан, олимлар томонидан тавсия этилган рентабеллик кўрсаткичлари сони 2 тадан 12 тагачани ташкил этади. Рентабеллик муаммосини ўрганиш кўрсатишчи, рентабеллик даражасини ҳисоблашда асос қилиб олинган кўрсаткичлар, яъни фойда турлари тўла асосланмаган ҳолда қўлланади. Тавсия этилган аксарият рентабеллик кўрсаткичлари соф фойда асосида аниқланади. Ишда бундай ёндашувнинг нотўғри эканлиги кўрсатилган. Айрим иқтисодчи олимларнинг<sup>14</sup> асарларида рентабеллик кўрсаткичлари тўпламига унга бевосита алоқаси бўлмаган кўрсаткичларнинг киритилиши рентабеллик кўрсаткичлари иқтисодий мазмуни тизим сифатида таснифланмаганлигини кўрсатди. Бу борада олимлардан М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исроиловларнинг<sup>15</sup> тавсиялари эътиборга лойиқлиги таъкидланган ҳолда, муаллифлар томонидан тавсия этилган рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими мукамал эмаслиги кўрсатилди. Уларнинг тавсияларига кўра, рентабеллик кўрсаткичлари иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, 4 гуруҳга бўлинади: умумий рентабеллик кўрсаткичлари, иқтисодий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари, молиявий салоҳият билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари ва молиявий бозордаги фаоллик билан боғлиқ рентабеллик кўрсаткичлари.

Рентабеллик кўрсаткичларининг назарий жиҳати масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони, унинг амалий жиҳати ҳисобланади. Шу боис, мазкур ишда юқорида тавсия этилган рентабеллик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг назарий жиҳатдан асосланган таснифи асосида “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги савдо ташкилотлари мисолида илк бор рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш усулларининг амалий жиҳатлари комплексли тадқиқ қилинган ва тегишли амалий тавсиялар

<sup>13</sup> Шеремет А.Д., Негашев Е.В. Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций. - Москва, 2004. - с.84.

<sup>14</sup> Волжин И.О., Эргашбоев В.В. Молиявий таҳлил. - Тошкент, 1999. - 157 б.

<sup>15</sup> Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Тошкент, 1999. - 327 б.

берилган. Масалан, молиявий салоҳият рентабеллигини омилли таҳлил қилиш усулини ҳавола этамиз, (3-жадвал).

3-жадвал

“Ўзбексавдо” акциядорлик компаниясининг чакана савдо ташкилотларида  
молиявий салоҳият самарадорлиги ўзгаришига таъсир этувчи омилларни  
аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>16</sup>

(млн. сўм)

| Тартиб рақами       | Кўрсаткичлар   | 1997 й. | 2000 й. | 2005 й.  | 2005 йилда<br>1997 йилга<br>нисбатан<br>мутлақ<br>фарқ., (+,-) | 2005 йилда<br>1997 йилга<br>нисбатан<br>ўсиш<br>суръати,<br>(марта<br>ҳисобида) |
|---------------------|--|---------|---------|----------|--|---|
| Мутлақ кўрсаткичлар |  |         |         |          |  |   |
| 1.                  | Соф фойда  | 1522,5  | 3001,6  | 4937,5   | +3415,0  | 3,2   |
| 2.                  | Ўз маблағларининг<br>ўртача йиллик қиймати                                 | 11399,7 | 24277,5 | 78241,2  | +66841,5   | 6,9   |
| 3.                  | Узоқ муддатли<br>пассивларнинг ўртача<br>йиллик қиймати                    | 1235,0  | 3385,7  | 4549,5   | +3314,5  | 3,7   |
| 4.                  | Четдан жалб қилинган<br>мблағларнинг ўртача<br>йиллик қиймати              | 12588,7 | 20248,0 | 57236,5  | +44647,8   | 4,5   |
| 5.                  | Молиявий салоҳиятнинг<br>ўртача йиллик умумий<br>қиймати<br>(2қ + 3қ + 4қ) | 25223,4 | 47911,2 | 140027,2 | +114803,8  | 5,6   |
| 6.                  | Молиявий салоҳият<br>фойдалилиги, %<br>(1қ : 5қ x 100)                     | 6,04    | 6,27    | 3,53     | -2,51  | 58,4  |

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, молиявий салоҳият рентабеллиги таҳлил қилинаётган даврда 2,51 фоизга камайган. Бу ўзгаришга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун занжирли алмаштириш усулини қўллаб, қуйидаги ҳисоб-китобни амалга оширишни тавсия қиламиз:

Биринчи ҳисоб:  $[(1522,5)] : [(11399,7+1235,0+12588,7)] = 6,04 \%$ .

Иккинчи ҳисоб:  $[(4937,5) : (11399,7+1235,0+12588,7)] = 19,57 \%$ .

Учинчи ҳисоб:  $[(4937,5) : (78241,2+1235,0+12588,7)] = 5,36 \%$ .

Тўртинчи ҳисоб:  $[(4937,5) : (78241,2+4549,5+12588,7)] = 5,17 \%$ .

Бешинчи ҳисоб:  $[(4937,5) : (78241,2+4549,5+57236,5)] = 3,53 \%$ .

<sup>16</sup>Манба: “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси буйича 1997-2005 йиллардаги “Бухгалтерия баланси” ва “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” маълумотлари асосида тузилган.

Молиявий салоҳият рентабеллик даражасининг 2,51 фоизга камайишига куйидаги тўртта омил таъсир қилган:

1. Соф фойда суммасининг 3415,0 млн. сўмга кўпайганлиги натижасида молиявий салоҳият рентабеллиги 13,53 фоизга ошган,  $(19,57 - 6,04) = +13,53 \%$ .

2. Ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати 66841,5 млн. сўмга кўпайган. Бу эса, молиявий салоҳият рентабеллигининг 14,21 фоизга камайишига олиб келган,  $(5,36 - 19,57) = -14,21 \%$ .

3. Узоқ муддатли пасивларнинг ўртача йиллик қиймати 3314,5 млн. сўмга кўпайганлиги натижасида молиявий салоҳият рентабеллиги 0,19 фоизга камайган,  $(5,17 - 5,36) = -0,19 \%$ .

4. Четдан жалб қилинган қисқа муддатли маблағларнинг (Чжққмм) ўртача йиллик қиймати 44647,5 млн. сўмга кўпайган. Бу эса, молиявий салоҳият рентабеллигининг 1,64 фоизга камайишига олиб келган,  $(3,53 - 5,17) = -1,64 \%$ .

Шундай қилиб, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий фарқига тенг:  $(+13,53) + (-14,21) + (-0,19) + (-1,64) = -2,51 \%$ .

Ушбу таҳлил усули ҳали таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилаш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли эмас.

Таҳлил натижаларидан кўришиб турибдики, ҳисоблаб чиқилган омиллардан 3 тасининг таъсири салбий бўлган. Агар ушбу омиллар 1997 йилги даражада сақланиб қолганида молиявий салоҳиятнинг рентабеллиги 16,04 фоизни  $(14,21 + 0,19 + 1,64)$  ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда натижанинг умумий ҳажми 19,57 фоизга  $(3,53 + 16,04)$  тенг бўлган бўлар эди. Ва ниҳоят, агар шу даражага эришилса, рентабеллик даражаси 2,51 фоизга камаймасдан 13,53 фоизга ошган бўлар эди,  $(19,57 - 6,04) = +13,53 \%$ .

Мазкур ишда ўз ечимини топган молиявий натижаларни омилли таҳлил қилиш усуллари амалиётда қўлланилса, улар савдо ташкилотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатининг олдини олиш, иқтисодий ва молиявий салоҳиятини ошириш, уларнинг хўжалик фаолиятини иқтисодий баҳолаш самарадорлигини ошириш учун асос бўлади. Бинобарин, савдо тармоғи самарадорлигининг ўсиши ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий кудратининг юксалишига, аҳоли фаровонлигини оширишга олиб келади. Бундан ташқари, ушбу ишда берилган тавсиялар савдо ташкилотларининг фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорлари, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва уларга ўзгартиришлар киритишда қўлланиши мумкин.

### 3. ХУЛОСА

Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини омилли таҳлил қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида савдо тармоғининг молиявий фаолиятини барқарорлаштириш ва иқтисодий самарадорлигини оширишнинг ички имкониятларини аниқлашда таҳлил усулларидан фойдаланиш юзасидан илмий хулоса ва амалий тақлифлар ишлаб чиқилди:

1.Савдо фойдасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, вазифалари кўрсатиб берилди ва илмий таърифлар ишлаб чиқилди.

2.Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усуллари бўйича чоп этилган адабиётлар, мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амал қилаётган меъриий ҳужжатларга тўлиқ жавоб бермайди. Ўзбекистон амалиётда қўлланилаётган «Харажатлар таркиби тўғрисида...» Низомда харажатларнинг таснифига кўра, муомала харажатлари давр харажатлари таркибига киритилган. Шу боис, уларни баҳолаш ва ҳажмини аниқлашнинг имкони йўқлиги асослаб берилди.

3.Савдо тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, товарларни сотишдан тушган ялпи фойдани ялпи даромаддан фақат сотиш харажатларини чегиришни, асосий фаолиятдан кўрилган фойдани ялпи фойдадан маъмурий харажатларни, асосий фаолиятдан кўрилган бошқа харажатлар, келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатларини айириш ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини кўшиш орқали аниқлаш лозимлиги асосланди ва тавсиялар берилди.

4.Тадқиқот натижасида амалиётда молиявий ҳисобот тузиш ва ундан фойдаланишда айрим тамойиллар янги ишламаслиги аниқланди. Хусусан, молиявий ҳисоботни тузишда тармоқ тамойилига амал қилинмаслиги аниқланди ва илмий тавсиялар берилди.

5.«Харажатлар таркиби тўғрисида...»ги Низомда иқтисодиётнинг турли соҳалари молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдаги ўзига хос хусусиятлар инобатга олинмаганлиги кўрсатиб берилди.

6.«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да (2-шақл) берилган кўрсаткичлар молиявий ахборотдан фойдаланувчиларга тушунарли бўлиши учун қатор изох ва эслатмалар берилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум савдо ташкилотларида соф чакана товар айланмаси ҳажмини (сотиш баҳоси), сотилган маҳсулотнинг таннархи товарларни сотиб олиш баҳосини, маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда савдода ялпи даромад ҳажмини кўрсатиши ва бошқа кўрсаткичлар иловада очиб берилиши керак.

7.Савдо ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятдан олинган жами даромади ва унинг турлари бўйича таснифлаш, таҳлил қилиш усулларига оид тақлифлар берилди. Хусусан, ялпи даромаднинг ўзгаришига таъсир қилувчи янги омиллар аниқланиб, уларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этиш тавсия қилинди.

8.Савдо тармоғидаги фойда турлари – ялпи фойда, асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди. Хусусан, товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи янги омиллар аниқланиб, уларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди.

9.Соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва савдо ташкилотларида ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуллари тавсия қилинди.



10. Молиявий ҳисобот тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиққан ҳолда янги молиявий ҳисобот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот” (26-шакл) тавсия қилинди.

11. Рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг назарий жиҳатдан асосланган таснифи асосида уларни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилди. Хусусан, савдо ташкилотларининг умумий рентабеллиги, иқтисодий ва молиявий салоҳият рентабеллиги кўрсаткичларининг барча назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тарзда таҳлил қилишнинг услубий йўллари ишлаб чиқилиб, амалиётта тавсия этилди.

#### 4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тожибоева Ш.А. Анализ финансовых результатов деятельности предприятия. // Экономические реформы России и зарубежья. Сборник тезисов. Москва, 2001, - с.95-96.

2. Тожибоева Ш.А. Савдо акционерлик жамиятларида ялпи даромадни омилли таҳлил қилиш усулига оид. // Тезисы докладов международной конференции «Реформа и развитие бухгалтерского учета и аудита в условиях рыночной экономики Узбекистана». Ташкент, 2001. – 119-120 б.

3. Тожибоева Ш.А., Шоалимов А.Х. Основные направления совершенствования организации и методов экономического анализа хозяйствующих субъектов в условиях либерализации экономики. // Тезисы докладов международной конференции «Реформа и развитие бухгалтерского учета и аудита в условиях рыночной экономики Узбекистана». Ташкент, 2001. – с.184-186.

4. Тожибоева Ш.А. Рентабеллик кўрсаткичларини таснифлаш, ҳисоблаш ва қўллаш муаммолари. // Иқтисодиёт ва таълим. Тошкент, 2003.- № 4, 109-116 б.

5. Тожибоева Ш.А. Савдо фойдасининг моҳияти ва унинг иқтисодий манфаатларни уйғунлаштиришда тутган ўрни. // Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усулларини такомиллаштириш. Маърузалар тўплами. Тошкент, 2004. -84-85 б.

6. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида фойданинг бажарадиган функциялари. // Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитнинг услубияти ва усулларини такомиллаштириш. Маърузалар тўплами. Тошкент, 2004. -88-90 б. .

7. Тожибоева Ш.А. Савдо корхоналарининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш йўллари. // Иқтисодиёт ва таълим. 2005.- № 1. -95-102 б.

8. Тожибоева Ш.А. Ялпи даромад ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш. // Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимини шакллантириш шароитида бюджет-солик сиёсатининг долзарб масалалари. Маърузалар тўплами. Тошкент, 2007. - 56-59 б.

5.Иқтисод фаълари номзоди илмий даражасига талабгор Тожибоева Шаҳноза Анваровнанинг 08.00.08. “Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича “Савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** молиявий ва бошқарув таҳлили, молиявий натижалар, ялпи даромад, ялпи фойда, асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фойдаси, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойда, активлар рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, иқтисодий ва молиявий салоҳият рентабеллиги, кўрсаткичлар тизими, маълумотлар манбаи, омилли таҳлил, қиёсий таҳлил.

**Тадқиқот объеклари:** “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги чакана савдо ташкилотлари.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодий эркинлаштириш шароитида савдо ташкилотлари фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усули:** таққослаш, гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, нисбий ва ўртача миқдорлар, мутлақ фарқлаш, балансли боғланиш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** чакана савдо ташкилотларининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни комплексли, тизимли таҳлил қилиш методологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди; савдо ташкилотларида ялпи даромад ва товарларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишнинг янги усули ишлаб чиқилди; иқтисодий ва молиявий салоҳият рентабеллигининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлилига оид амалий тавсиялар берилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар ва амалий таклифлар савдо ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятига тўғри баҳо бериш, фойдани ошириш ва рентабелликни кўтариш бўйича мавжуд ички хўжалик имкониятларини аниқлаш орқали уларнинг молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** диссертациянинг хулоса ва натижалари “Ўзбексавдо” акциядорлик компанияси тасарруфидаги чакана савдо ташкилотлари молиявий натижаларини таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда олий ўқув юртларида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили” фанларини ўқитишда фойдаланилади.

**Қўлланиш соҳаси:** савдо ташкилотлари, олий ўқув юртлари.

## 5. РЕЗЮМЕ

Диссертации Таджибаевой Шахнозы Анваровны на тему: «Пути совершенствования методики анализа финансовых результатов торговых организаций» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 – «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит».

**Ключевые слова:** финансовый и управленческий анализ, финансовые результаты, валовый доход, валовая прибыль, прибыль от основной деятельности, прибыль от общехозяйственной деятельности, прибыль до уплаты налога, чистая прибыль, рентабельность активов, рентабельность собственного капитала, рентабельность экономического и финансового потенциала, система показателей, источники данных, факторный анализ, сравнительный анализ.

**Объекты исследования:** организация розничной торговли находящихся в ведении акционерной компании «Узбексавдо».

**Целью диссертационной работы является** определение системы показателей, характеризующих финансовые результаты деятельности торговых организаций и разработка практических рекомендаций по совершенствованию методики анализа этих показателей в условиях либерализации экономики.

**Метод исследования:** сравнение, группировка, цепная подстановка, относительные и средние величины, способ абсолютных разниц, балансовая увязка, экономико-математические и статистические методы.

**Полученные результаты и их новизна:** разработана и внедрена в практическую деятельность методология комплексного, системного анализа показателей, характеризующих финансовые результаты розничных торговых организаций; разработана новая методика расчета факторов, влияющих на изменение валового дохода и валовой прибыли от реализации товаров; предложены практические рекомендации по методике расчета факторов, влияющих на изменение рентабельности экономического и финансового потенциала.

**Практическая значимость:** полученные в результате исследования научные выводы и практические рекомендации позволяют правильно оценить финансово-хозяйственную деятельность торговых организаций, поиск внутривозвратных резервов для увеличения прибыли и повышения рентабельности и тем самым обеспечить им устойчивое финансовое состояние.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** выводы и результаты полученные в диссертационной работе могут быть использованы для совершенствования методики анализа финансовых результатов розничных торговых организаций находящихся в ведении акционерной компании «Узбексавдо», а также в процессе преподавания курсов «Теория экономического анализа», «Финансовый и управленческий анализ» в высших учебных заведениях.

**Область применения:** торговые организации, высшие учебные заведения.

## 5. RESUME

Thesis of Tadjibaeva Shakhnoza Anvarovna on the scientific degree competition of the philosophy of sciences in economic, speciality 08.00.08 – «Accounting, economic analysis and audit», subject: «The ways of improvements of methods of analysis of financial results of trade organizations»

**Key words:** financial and managerial analysis, financial results, gross income, gross profit, profit from the basic activity, householding activity profit, non-taxed profit, net profit, assets profitability, private capital profitability, economic and financial potential profitability, system of indexes, data sources, factor analysis, comparative analysis.

**Subject of the inquiry:** «Uzbeksavdo» stock holding company and its affiliated retail organizations.

**Aim of the inquiry:** elaboration of practical recommendations on improvement of system of indexes, characterizing financial results of activity of trade organizations and also of methodology of estimating and analysis of these indexes in conditions of economic liberalization.

**Methods of inquiry:** comparison, grouping, circuit setting, relative and average values, method of absolute differences, balance coordination, economic and mathematical and statistic methods.

**The results achieved and their novelty:** there has been elaborated and implemented into practice the methodology of complex, system analysis of indicators, characterizing financial results of activity of trade organizations; the new methodology of factors, influencing on change of gross income and gross profit from goods realization has been elaborated; the practical recommendations on the ways of factors calculation, influencing on change of profitability of economic and financial potential.

**Practical value:** the scientific resumes and practical recommendations of the research as a result of investigation give us an opportunity to give a right estimation of financial and householding activity of trade organizations, search of internal householding reserves for increasing of profit and profitability to provide them by sound financial position.

**Degree of implementation and economic efficiency:** resumes and outcomes cited in dissertation can be used for improvement of the methodology of the analysis of financial results of retail trade organizations affiliated by «Uzbeksavdo» stock holding company, also while teaching “Theory of economic analysis”, “Managerial and financial analysis” in higher educational establishments.

**Sphere of usage:** trade organizations, higher educational establishments.

Ғадқикотчи

